

ТОШКЕНТ

Оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1989 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.



№ 141 (6. 840)

1989 йил 20 июнь, сешанба

Баҳоси 3 тийми

Иқтисодий мавзуда

Ярим процент салмоғи

Шаҳарда саноат маҳсулотлари буюртмаларини ўз вақтида етказиб бериш борасида муайян силжиш бўлмоқда. Масалан, шу йилнинг апрель ойида давлат буюртмалари ва корхоналарнинг бевосита, тўғридан-тўғри тузган шартномалари асосида зимматга олинган мажбуриятлар 99,3 процент адо этилган бўлса, бошқача қилиб айтганда, бу борада буюртмалар бўйича беш ойлик шартнома мажбуриятини адо этиш учун атиги ярим процентдан сал зиёроқ етмади, холос. Аммо буни ҳали нормал ҳол деб бўлмади.

Биз янги иқтисодий ислохот деганда биринчи галда шу масалани эътибор беришни зарур деб ҳисоблаймиз. Хўжалик ҳисобининг биринчи шарти ҳам шу: шартнома мажбуриятларини бекам ҳўст бажаришдир. Яъни буюртмачиларга ваъда қилинган маҳсулотларни ўз вақтида етказиб беришдир. Чунки авваллари асосан маҳсулот ишлаб чиқариш планининг бажарилишига эътибор бериларди, бу маҳсулот буюртмачиларга бориб тегадими-йўқми, кўнда бу билан ўша маҳсулотнинг ишлаб чиқарган корхоналарнинг иши бўлмасди.

Хўш, тўла хўжалик ҳисобининг бу муҳим шарти шу йилнинг апрель-май ойларида нималарни кўрсатиб турибди? Шаҳар бўйича апрель ойида агар ҳар етти корхонадан бири шартнома мажбуриятларини бажаришда оқсган экан, балки ҳўзир бу борада хотиржамликка ҳек қўйилаётгандир, деб ўйласан. «Средазэлектроаппарат», «Узторцметмет», экскаватор ишлаб чиқариш бirlашмалари (шаҳардаги бошқа баъзи йирик корхоналар ҳам) бу борада қўлоқликка йўл қўйиб туришгандан кейин бошқа ҳар қандай гапта ўрин қоладими?

Май ойида шаҳарда буюмларни етказиб бериш бўйича шартнома тузган 150 корхонадан 25 таси ўз ваъдасининг устидан чиқмади, бошқача қилиб айтганда буюртмачиларни доғда қолдирди. Буларнинг кўпчилиги Собир Раҳимов, Ленин ва Куйбишев районларида жойлашган корхоналардир. Масалан, Тошкент геология-қидирув заводи, радиотролик буюмлари заводи ва металлургия қайта ишлаш ишлаб чиқариш бirlашмаси, Тошкент ёғочин қайта ишлаш заводи коллективлари Собир раҳимовликларга ўтган ойда панид беришган бўлса, Куйбишев районда яна одадгаддек экскаватор ишлаб чиқариш бirlашмаси, лак-бўёқ заводи сингари корхоналарнинг коллективлари бутун район оёғига тўшоп солишди. Бундай ми-соллар афусуски, оз эмас.

Хўжалик ҳисоби асосида ишлаётган корхоналарда ҳўш ишлаб чиқариш ва меҳнатнинг таъсир этиш, планлаштириш, ишлаб чиқаришнинг моддий-техника жиҳатидан таъминлашда кўпгина нуқсонлар бор, бундан кўз юмиб бўлмайди. Албатта, Корхоналарнинг тартиб таъминоти, маъмурият раҳбарлари, қўлаверса меҳнат коллективлари ҳам бунга негизли мурасасозлик қилиб келмоқдалар. Шу ўринда яна бир нарсани айтиб ўтмоқчимиз. Тармоқ министриликларини ҳам корхоналарнинг мустақиллигини бў-тишининг «нозик» усулларини ўйлаб топди-лар. Уларга давлат буюртмалари миқдорини

ни ошириб белгилаш ҳўллари юз берди. Иш ҳўтто баъзи жойларда шу даражага етиб бордики, корхона ўзича буюртмаларни етказиб бериш бўйича тўғридан-тўғри шартнома ало-қалари ўрнатилш имкониятидан маҳрум бўлди. Қўлбуки давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги СССР Қўнунида ҳўдди шу имкониятни яратиб бериш кўзда тутилган! Масалан, ўтган йилларда тўла хўжалик ҳис-оби асосида ишлаган корхоналар планида давлат буюртмаси салмоғи 88,6 процентни ташкил этган бўлса, Иттифоқ қарамоғи-даги тўла хўжалик ҳисобига ўтган корхона-ларда эса унинг салмоғи 91,3 процентга етди. «Средазэлектроаппарат», «Средаз-кабель» ишлаб чиқариш бirlашмалари у ёқда турсин, ҳўтто «Тошкент» мебель иш-лаб чиқариш бirlашмаси, енгил металл-конструкциялар заводида давлат буюртма-си ишлаб чиқариш ҳўжмининг 100 процен-тини қамраб олди. Албатта, ҳўзир бундай ҳўллаларга барҳам берилапти.

Хўжалик ҳисоби таъбир жоиз бўлса, ай-тиш мумкинки, ўта «инжиқ усул» ҳисобла-нади. Шундай бўлгач, унинг яхши самара бериши учун барча шарт-шароитлар яратилмоғи керак. Афусуски, юқорида номини тилга олиб ўтилган кўпгина корхоналарда комплектовчи буюмлар билан ўз вақтида таъминламаслик, баъзи ҳом ашё ва матери-алларнинг етишмаслиги, айримларида эса ишчилар малакаси ҳали пастлиги хўжалик ҳисобининг шахдам, одим ташлашга ҳала-қат бериб турибди.

Кейинги ойларида «Қизил тўнг» тикувчи-лик ишлаб чиқариш бirlашмаси, агрегат, резина-техника буюмлари, 2-ёғочин қайта ишлаш заводи, «СССР 50 йиллиги номи-даги Тошкент трактор заводи» ишлаб чи-қариш бirlашмаси коллективлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўз имконият-ларидан бирмунча паст даражада ишлади-лар.

Қувавларини тўла ишга тушириш ҳўқида ҳам индилий ўйлаб қўймоқ керак. Чунки, абразив комбинатида, «Тошкент» ёғочин қайта ишлаш заводи сингари корхоналарда лойиҳа қувавларидан тўла фойдаланиш ҳўқида етарлича қайирилмагани ҳам бу корхоналар кўрсаткичларига сезиларли таъсир етаяпти.

Буюртмачиларга шаҳар саноат корхона-лари экскаваторлар, компрессорлар, кўпник электр кранлари, трактор принциплари, тикувчилик буюмларини мўжалдагидан анча кам етказиб бермоқдаларки, бу ҳўлга кес-кин барҳам бермоқ зарур. Айниқса, бу бо-рада Фрунзе район саноат корхоналари ташвиш туғдирапти. Бу ерда муҳим кўрсат-кичлар бўйича планни уддалай олмаётган корхоналар сони камаймаяпти. Бунинг бош сабабларидан бири корхоналарнинг бир ма-ромда иш олиб бормаятиганди, деб ўйла-миз. Бу ҳол бошқа районлардаги кўпгина корхоналарга ҳам тегишлидир. Ой бошида сўст ишлаб, ой охирига яқинлашганда ишоп-ма-шошарлик қилиш ҳўлларида ҳали тўла барҳам беришган эмас. Бу ҳам буюртмачи-ларга шартномада кўзда тутилган маҳсу-лотларини бир маромда етказиб беришга ҳа-лақит берапти.

Х. ИКРОМОВ.

РЕСПУБЛИКА ҲУКУМАТ КОМИССИЯСИДА

Республика партия-хўжа-лик активлари йиғилишининг қарорига мувофиқ ҳўкумат комиссияси Ўзбекистон ССР Давлат план комитетининг, Министрлар Советининг раҳ-барлари, иттифоқ ва рес-публика министриликлари ҳамда идораларнинг вакил-лари билан бirlалиқда, Фар-ғона водийсидаги областлар-нинг социал-иқтисодий ривож-лантириш, маддалашти-риш масалаларини кўриб чиқди.

Анджикон, Наманган, Фар-ғона областларидаги меҳ-натга лаяқатли аҳолини иш билан таъминлашни яхши-лаш, бу ерда 1989—1990 йилларда қўшимча равишда 150-200 минг иш жўби барпо этиш мақсадида кўп меҳнат талаб қиладиган, экологик жиҳатдан мусавфо ишлаб чиқаришни — тикувчилик, трикотаж, радио ва электрон саноатини, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ҳар томонла-

ма қайта ишлаш корхонала-рини тез кенгайтиришга қа-ратилган маҳсус программа-ни ишлаб чиқаришга доир тад-бирлар муҳокима қилинди. Бунинг учун кам банд бўлган ва фойдаланилмаётган иш-лаб чиқариш майдонларини ҳисобга олишга, тез бунёд этиладиган модулларни кенг қўлланишга, зарур бўлиб қолган ҳўллаларга маъмурий қанорлардан фойдаланишга қарор қилинди.

Уй-жойлар ва социал-ма-нший объектларни қуриш му-аммоси алоҳида бўлим қи-либ акралади. Пахта яққа ҳўқимлигини тутатиш, водий-даги кўрик ерларини ўзлашти-риш, оила ижарасига ва луд-ратта бериладиган ер май-донларини кўпайтириш юза-сида катта тадбирлар бел-гиланди.

Экология вазиятини со-ломлаштиришга, химия, нефть химияси корхонала-

рида ҳўдда атроф-муҳитни булғатувиш бошқа корхона-ларда реконструкциялаш ва технологияни тақомиллаш-тиришга, бу ерда захарли моддаларни чиқариб ташлаш имкониятларини тизлиш я-нги ишопчилик тозалаш ян-шоотлари барпо этишга ало-қад эътибор берилди. Во-допровод ва коммунал шўхоб-чаларни, хўжаликлараро ва ички йўллари ривожланти-риш масалалари кўриб чи-қилди.

Ўзбекистон ССР Министр-лар Совети, республика Дав-лат план комитети, министр-ликлар ва идоралар, жум-ладан, иттифоқ министри-ликлари ва идоралар вакилла-рини составда йўналишлар бўйича ишчи гуруҳларни ту-зилди, режалаштирилган ту-зилари бажарилишини конкрет муддатлари белгиланиди ҳам-да ишларнинг тез бажарили-ши устидан қаттиқ контрол ўрнатилди.

АН—26 транспорт самол-етини эғаллаб олди. Маҳаллий вақт билан со-ат 14.00 да самолёт За-бол шаҳри аэропортига—Эрон территориясига қўн-ди. Самолёт ичиде эки-пажининг беш аъзоси ва 35 йўловчи, жумладан саккиз нафар аёл ва сак-кизта бола бор эди. Аф-ғонистоннинг Бахтар ҳў-кумат агентлиги ҳабар

қилишича, ҳўзиргача 26 йўловчи қўтқарилган. Қўлган кишиларнинг ҳам қўтқариш, шунингдек олиб қочилган самолётни Афғонистонга қайтариш чоралари кўриломоқда.

ХАРТУМ. Суданда ҳў-куматга қарши фитна фўш этилди. Мамлакат қуролли кучлари қўмон-

Яна йўлга чиқашди

Тошкент оперетта театри артистлари Туркманистон бўйлаб гастроль қилганларидан сўнг атиги бир ҳафта дам олдилар ва яна йўлга чиқдилар — бу гал улар Болтиқбўйи республикалари-га боришади. Дастлаб Тал-линда тўхташади: Эстония пойтахтида дерли йигирма кунлик гастроллар бошла-нади. Шундан сўнг Нарва ва Кохтла-Ярва аҳолиси юртдошларини ижоди бил-лан танишадилар.

Гастроль афишасига ўн тўртта спектакль кирган: улар классик, замонавий, жаҳон ҳамда совет музика-ли драматургиясининг асар-ларидан иборат. Ана шу спектакллар орасида Б. Шоунинг «Миллионер хотин» комедияси асосда яратилган шу номдаги оперетта ва Э. Солихонинг «Хўжа Нас-риддин» асарлари каби янги спектакллар бор.

ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ТАНИШУВ

АҚШ қуролли кучлари штаб бошлиқлари комитети-нинг раиси адмирал У. Крау Ўзбекистон ҳўвети билан танишиди. У Совет Итти-фоқига СССР ҳарбий куч-лари бош штабининг бошлиғи — СССР мудофаа минис-трининг биринчи ўринбоса-ри армия генерали М. А. Моисеевнинг тақлифига би-ноан келди.

Меҳмон Тошкентнинг диқ-қатга сазовор жойларини томоша қилди. Қизил Бай-роқ ордени Туркистон ҳар-бий округида бўлди.

У. Крау Самарқандга бор-ди, кўнжа шаҳарининг тари-хий ёдгорликларини томо-ша қилди.

(ЎзТАГ).

айтилади. Фитна қатнаш-чилари қамоққа олинди, тергов олиб бориломоқда.

АФИНА. Грецияда пар-ламент сайлови тугади. 25 партия ва сиёсий бир-лашма парламентга ўз номзодларини кўрсатди. Бироқ иккита йирик пар-тия: ҳўзирги ҳўкумрон Умумгрек социалистик

Тонгги газеталарда

○ Совет Иттифоқи Коммунистия пар-тияси Марказий Комитетининг Соци-алистик интернационализм XVIII кон-грессига йўллаган таъбирич эълон қи-линг. Унда КПСС Марказий Комитети барча совет коммунистлари номидан конгрессни қўлайди ва унинг ишида муваффақиятлар тилайди.

○ КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси эълон қилдики, тугатилш комиссиясининг 17 июнда Ереванда бў-либ ўтган навбатдаги амалий кенгаши ҳўқида ҳисобот эълон қилинган.

○ КПСС Марказий Комитетининг Бош

секретари, СССР Олий Советининг Ра-йиси М. С. Горбачевнинг таълифига муво-фиқ Эрон Ислам Республикаси қурулди кучлари олий бosh қўмондони вазифа-сини бажарувчи А. А. Хашимий-Рафсан-жоний расмий дўстлик вазити билан Совет Иттифоқига келди. Шу муноса-бат билан газеталар ўқувчиларини олий мартабали меҳмоннинг таржиман ҳўли билан таништиради.

○ «Иисон биринчи ўринда» — «Пра-да» газетасининг бугунги бosh мағоласи ана шундай номланади.



ПОЙТАХТНИНГ БИР КҮНИ

Олмос асбоб

○ «ТЕХНОЛОГ» илмий ишлаб чи-қариш бirlашмаси коллектив қардош Тошкент ССРнинг Турсунзода шаҳри чинини заводи буюртмасини бажарди. 1400 квадрат сантиметрли чойнак ва шакар солиш идишлари тепа қирраларини силлиқлаш учун устки қавати му-стаҳкам силлиқловчи олмос асбоб иш-лаб чиқарилиди.

Бирлашма меҳнатнашлари 38 минг сўмлик ана шундай асбоблардан қисқа вақтда етказиб беришга аҳд қилишди.

Калитлар топширилди

○ 2-ЎЙСОЗЛИК комбинатига қараш-ли 4-қурилиш бirlашмаси коллектив бунёд этган 9 қаватли турар жой бинос-ида ўн жихзолари орталган машина-лар кети узилмаяпти.

Бахтли хонадон соҳиблари кўчаларини ташви билан банд. Ҳа. Чилонзор—31 массиви аҳолиси яна 108 оилага қўйил-ди. КПСС XXVII съезди ўртага қўйган аҳолини уй-жой билан таъминлаш про-граммасини амалга оширишда байроқдор коллектив ташаббусни қўлдан бермай, бу ишга амалий ҳисса қўшиб келаяпти.

Мебеллар уйи

○ «ТАШМЕБЕЛЬБИТ» ишлаб чи-қариш бirlашмаси коллектив аҳолига ана бир қўлайлик яратди.

Қорасарой билан Абдурахмонов кўча-лари музолишида ойнаванд «Мебеллар уйи» фойдаланишга тахт қилиб қўйилди. Бунда корхона маҳсулотли кўрғазмага қўйилди, харидорларга ёққан маҳсулот-ларини харид қилиш ҳам мумкин. Шунингдек, магазиннинг бир бўлими кўзгулар учун ихтисослашган бўлиб, бу ерда турли катталиқда ва шаклдаги кўз-гуларни харид қилиш мумкин.

Д. МУРОДОВ.

Икки ёқлама ёрдам

○ ФРУНЗЕ район меҳнат коллек-тивлари Тошкент областининг Калинин, Галаба райони ҳамда Сирдарё област-ининг бир қатор қолқоз ва совхозлари билан ўзаро ҳамкорлик шартномаси ту-зганлар.

Ишлаб чиқариш корхоналари Куйби-шев, Оржоникидзе, Сегизбоев номли, «Бўзсув», У. Юсупов номидаги агро-саноат комплексига зарур ёрдам бермоқ-далар.

«Таштекстильмаш» қурилиш индус-трияси таъриба-меҳаник заводи, «Сил-ликат» ишлаб чиқариш бirlашмаси, «Средазэлектросетстрой» ва бошқа кор-хоналар меҳнат коллективлари кенга-шларининг қарорига биноан қишлоқ аҳли-га юз минг сўмлаб пул, 2,5 минг квад-рат метр полизтилен пленкаси, 20 минг донга тинг, далаларга сув чиқариш учун электр двигателлар берилди. Ҳўзир эса саноат корхоналарига қишлоқдан даст-лабки маҳсулотлар — помидор, пиз-з, саримсоқ пизз, бодринг келтирила бош-ланди.

М. АВЕРИН.

«Матбуот» магазини

○ ЎЗБЕКИСТОН Компартияси Мар-казий Комитети наприётининг биносиде шаҳарда биринчи марта «Матбуот» ти-пиди магазин очилди.

Бу ерда истаган вақтингизда янги нашрдан чиққан марказий, республика, област, шаҳар газеталари ҳамда жур-налларини харид қилишнинг мумкин.

«Матбуот» («Пресса») магазинининг асосий мақсади ўқувчиларнинг талабини таҳлил қилиш ва қондиришдир.

Газета-журналларни қўшимча ҳажмда чоп этишга босмахонада ички имко-ниятлардан унумли фойдаланиш, қороз ва бошқа ҳом ашёдан оқилона фойда-ланиш турфийли эришиляпти. Ишлаб чиқариш самарадорлиги хўжалик ҳисо-бидан унумли фойдаланиш эвазига ошиб борапти.

«Матбуот» магазини орқали савдо қилиш наприётининг аҳолига пуллик хизмат кўрсатишини йилга 80 минг сўм-га ошириш имконини яратди.

М. САВЕЛЬЕВ.

Ёш кимёгарлар баҳси

○ АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ номли Тошкент политехника институтининг кимё-технология факультетиде Тошкент шаҳри ва областининг юқори синаф ўқу-вчилари учун химиядан олимпиада ўт-казилди.

Ўқувчиларга мактаб ва институтта донр савол ва масалалар берилди.

Собир Раҳимов райондаги 29-мактаб битирувчиси М. Мираҳмедов, шу рай-ондаги 249-мактаб ўқувчиси Ясир Абдуллаев, Акмал Икромов райондаги 123-мактаб ўқувчиси О. Акрамов, Ки-

ров райондаги 272-мактабининг 9-синф ўқувчиси А. Жураевлар фахри ўрин-ларга эга бўлишди. Шунингдек, Ҳамза райондаги 231-мактабининг битирувчи-лари Фотима ва Зухра Тураевалар кимё фанини мукамал билишларини кўрсатдилар. Ўқувчиларнинг барчаси институт ректоратининг фахрий ёрлиқ-лари билан тақдирланишди.

Мутафаккирларга бағишлаб

○ УРТА ОСИЕНИНГ машҳур олим ва мутафаккирлари ўзларидан катта илмий ҳўдда маданий мерос қолдирган-лар.

Беруний, Фоборий, Хоразмий, Ибн Сино, Улўғбек сингари номлари бутун дунёга кенг танилган илм-фан аҳллари яратган асарлар халқимизнинг бебаҳо бойлиги бўлиб қолди.

Уларнинг илмий ва ижодий меросига бағишланган қатор нашрлар чоп этилди ва этиломоқда. «Ўрта Осиё олимлари ва мутафаккирлари» деб номланган энциклопедик луғат ҳам босмага тайёрлашга киришилди. Ўзбек Совет энциклопедияси Бош редакцияси томонидан чи-қариладиган маъмур янги нашр устида ҳў-зир қизғин иш олиб бориломоқда.

Сиз севган қўшиқлар

○ ЎЗБЕКИСТОН ССР халқ артисти, хўшовоз хонада Коммуна Исмондова республикаимиз қўшиқчилари санъатига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди.


Ўзбекча миллий қўшиқлар унинг кон-церт программасидан алоҳида ўрин тут-ди. Шунингдек, қардош халқлар қўши-қларини ҳам санъаткор жўда маҳорат билан ижро этиб келмоқда.

Таниқли хонада репертуаридан му-носиб ўрин олган кўпгина дилрабо но-мерлар яқинда чиқарилган грампластин-кага ёзиб олинди. Булар, асосан 50- ва 70-йилларда К. Исмондова концерт про-граммасига киритилган қўшиқлардан иборатдир. Ф. Солиқов, А. Мухамедов, С. Калоев каби бастакорлар яратган қўшиқлар санъаткор ижросида дилрабо янграйди.

Маъмур музикали ёзув Бутуниттифоқ «Мелодия» фирмаси томонидан кўп нусхада чиқарилиди. У Ўзбекистоннинг кеска санъат усталари туркумиданги навобатдаги пластинкадир.

С. ОДИЛОВА.

«Гулобод»га марҳамат



○ ОКТЯБРЬ райондаги «Гулча» ки-нотеатри яқинида бунёд этилган «Гул-обод» кафеи ёшларга хизмат қилди. Дам олиш шўхобчасининг биринчи қа-вати мактаб ўқувчилари учун мўлжаллан-ган бўлса, иккинчи қаватиде эса шаҳри-миз ёшлари дам олишлари мумкин.

Кафеи «Эстетика» қурилиш коопе-ративи бунёд этди.

Д. ҲАМИДОВ.


○ СУРАТДА: «Гулобод» кафеида. Т. Каримов фотоси.

Янги соҳа

○ ТОШКЕНТ геология-қидирув тех-никумида янги ўқув йилида студентлар сон 80 тага қўпайдиган бўлди.

Техникумида яқинда бухгалтерия ҳис-оби-хўжалик фаолиятини текшириш ва уни анализ қилиш бўлими очилди. Бў-лимда иккита гуруҳа мавжуд бўлиб, ҳар бир гуруҳида 30 талдан талаба илм олади. Икки ярим йилдан сўнг бу соҳа эгалари геология-қидирув бошқармала-рида бемалол ҳисоб-китоб ишларини олиб боришлари мумкин. Яқинда бўла-жак геологларнинг 200 нафарли Амрен-даги Кўчабулоқ кўмир қониде ҳўдда Вурчмулладаги кўмир қониде ҳўдда биринчи 20 кун мўйабиде геологлар билан таъриба алмашиб, уларга яқиндан ёрдам бериб қайтишлар. Техникун бити-рувчилари эса кунин-кеча Узоқ Шарқда-ги қонларда назарий билимларини ама-лий ишлар билан мустаҳкамлаш учун жўнаб кетдилар.

тўпландилар. Анжуман ишида Бразилия, Перу, Аргентина, Куба, Коста-Рика, Венесуэла ҳамда қитъадаги бошқа мамла-катларнинг давлат арбоб-лари иштирок этмоқда-лар.



Меҳнатдан обрў топаётганлар

НОЗИК КАСБ СОҲИБАСИ

...Фаридаҳон ҳар сафар эрталаб навбатчилардан уйига қайтганида хонадонларида ҳеч ким бўлмади: турмуш ўртоғи ишга, икки туғич фарзанди мактабга ва икки кенжатоғи боғчага кетган бўлади. Касал-хонадаги иш режими шундай ташкил қилинганда кейин нима ҳам қила олади? Бир сутка ишда бўлса, икки кун уйда. Ниҳоят, бир кун турмуш ўртоғи дардини айтиди. Эри сўзини тинглади-да, бир оз сукут сақлаб деди:

— Гапнингда жон борга ўхшайди. Меҳнатчи, заводга ишга кирсанг чакки бўлмайди. Ҳа, дарвоқе, анчадан бери бир гапни сенга айтмай юрган эдим. Сен ишда бўлган куналарингда болалар билан қийналиб қолмаган. Онанинг ўрни бошқа экан. Шу бос санитарликдан бўшаб, ёнгинамиздаги корхонага ишга қайлашсанг айни мундо бўлур эди...

Мана шунга ҳам Янгирма йил бўлибди. Фарида опа «Ўзбекистон» сунтй ва табиий чарм ишлаб чиқариш бирлашмасининг 1-кўн заводи пардозлаш цехига ишга келганлигидан сира ҳам ачинадими, аксинча касбидан, тақдирдан ниҳоятда мамнун.

— Корхона остонасига илк бор қадам қўйганимда аввали қиш фаслининг сунтиги ойн эди, — деб эслайди пардозловчи Фарида опа Хайдарова. — Цех коллективни мен яхши қарши олд. Одатда ишга янги келганларни 1-ёки 2-разряд билан ишга қабул қилишди. Менинг кўп йиллик иш стажимни ёки тўртта фарзандим борлигини ҳисобга олишдики, дастлабки иш кундаёқ менга 3-разряд беришди. Цех раҳбарларининг бу ғамхўрлигидан қувониб, зўр ғайрат билан ишга киришдим.

Пардозловчилик — нозик ва мураккаб касб. У ишдан эпчиллигини, назоратни ва юксак маҳоратни талаб қилади. Зеро, чармининг пишиқ ва пухталиги пардозловчининг нечоғли виждонан ва ҳалол ишлашига боғлиқ. Пардозловчи қанчалик яхши ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқарса, пойфазал фабрикаларидан онда-сонда бўлсада корхона адресига келмаётган рекламацияларга ҳам барҳам берилади. Акс ҳолда рекламациялар кўпайиб, чармлар омборларда чанг босиб ётаверди. Бундан ҳам корхона зарар кўради, ҳам ишчининг ҳамани.

Шуни айтиш керакки, Фарида опанинг ишида ҳали бундай нохуш ҳоллар бўлмаган.

У ишлаб чиқараётган бежирим ва пишиқ чармлар корхона давлат қабули томонидан доимо биринчи тақдирдаёқ қабул қилинади. Фарида опанинг оддий шогирдидан ўз касбининг устаси, 5-разрядли пардозловчи, цехнинггина эмас, балки корхонанинг ҳам фахри бўлиб етишишида биринчи устози Любовя Десикоснинг хизматлари катта.

— У жуда ҳам камсуқум ва заҳматнаш инсон эди, — деб эслайди Ф. Хайдарова ўзининг мураббийси ҳақида. — Менга би-

роқ марта қаттиқ гапирганини эслолмайман. Базан тушундики ҳам, базан иш сменаси тугатганида кейин ҳам цехда қолиб, пардозловчининг сир-асрорларини, унинг нозик томонларини — қандай қилиб сифатли ва нормадан ошириб маҳсулот ишлаб чиқариш йўлларини ўргатар эди. Шу босдан бўлса керак, ўз касбининг тез орада пухта ўзлаштириб, аста-секин нормасини ошира бориб, илгорлар қаторидан жой ола бошладим. Ҳозирги вақтда ўзимнинг ҳам шогирдларим бор. Масалан, Мастура Турмонова билан Хусниддин Муҳитдиновлар меҳнатда пешқадамлардан орада қолмасликка ҳаракат қилмоқдалар.

Дарҳақиқат, моҳир пардозловчи Фарида опа Хайдарова корхонадаги 20 йиллик самарали меҳнат фаолияти мобайнида пардозлаш цехи коллективининг ҳурмат-эътиборини қозонди. У бир қанча фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган.

Фарида опанинг тўрт нафар фарзанди ҳам халқ хўжалигининг турли соҳаларида баракали меҳнат қилмоқдалар. Чунончи туғич фарзанди Роза — тарбиячи, Росиқ шогирд, Осиё — у ҳам тарбиячи, Фануза район социал таъминот бўлимининг ходими.

— Биласизми, мен нима ранжитадим? — дейди мен билан суҳбатда Фарида опа. — Ишлаб чиқариш корхоналарида ишчи кучининг етишмаслиги. Масалан, заводимизни олиб қўрайлик. Бу ерда ишловчиларнинг аксариятини кўп йиллик иш стажига эга бўлган, пенсия ёшига етган ишчилар ташкил қилади. Мен ҳам тўрт йилдан кейин пенсияга чиқаман. Хўш, ундан кейинчи? Келгусида биз, меҳнат ветеранларининг ўрнига кимлар келади? Мана шу масала ниҳоятда кўндаланг бўлиб турибди. Ешлар корхонамиздаги баъзи қийинчиликларга дош беришмапти шекилли, икки-уч ой ишлагач, ўзларини енгил-елпи ишларга уриб кетишяпти. Айниқса кўча-кўйларда аёлларнинг ички кийими, широкки ёки сомса сотиб ўтирган барангиди ёш-ялангларини, турли камбў буюмларни устига икки-уч баробар нарх қўйиб сотаётган оғзи тилда тишларга тўла башанг кийинган аёллар аёлларни кўрганамизда таажубланаман. Ахир уларнинг ўрни завод-фабрикаларда, зарбдор қурилишларда эмасми?


Ҳа, моҳир пардозловчи Фарида опа Хайдарова чиндан бели оғирмига тўла топаётганлардан ҳазар қилади. Зеро, у ўз бахтини меҳнатдан топаётганлардан. Ҳаётимиз ривожига ривож қўшаётган, мамлакатимизнинг иқтисодини юксалтирганлар ҳам мана шу Фарида опа сингари заҳматнаш, қадоқ қўли ишчилардир.

Ҳозирги вақтда Фарида Хайдарова XII беш йилликнинг тўртинчи йили планларини муқаддатдан илгари бажариш юзасидан авж олдирилган социалистик мусобақанинг олдинги сафларида бормоқда.

И. ЗОИРОВ.

«Полимер» илғорлари

Корхонанинг ишлаб чиқариш ютуқларини кўп жиҳатдан ўз меҳнатлари билан коллектив натижаларига муносиб ҳисса қўшаётган ишчилар белгилашади. «Полимер» ишлаб чиқариш бирлашмасида бундай одамларни кўпайиб учратиб мумкин. Биргина каландар цехини олайлик. Александр Бабинов бу ерда олти йилдан буён меҳнат қилади. У ишга келган дастлабки куналариданоқ фақатгина зарбдор меҳнат, юксак нитизом ва ташкилотчилик туфайлигина инсон ўзига бўлган ишончини мустаҳкамлашга мумкинлигини чуқур ҳис қиларди. Ҳозир у ишлаб чиқариш план топшириқларини 102—104 процентга адо этапти.



Корхонанинг фотохимикат

лар цехида ҳам завод социалистик мусобақасининг бир қатор илғорлари меҳнат қиладилар. Улар орасида П. Турчанинов, Ҳ. Абдуллаева, М. Раимбекова ва У. Файзиевлар бор. Ҳолбики ишчилар ойлик топшириқларини маъсулият билан адо этиб, шахсий кўрсаткичларини 110—112 процентга етказиб тилар.

У. Усмонов фотолари.



«БАРОТ» ФИРМАСИ ТОШКЕНТДА

Фотоахборот



Шаҳримизнинг Шота Руставели кўчасида иш бошлаган «Барот» фирма-магазинининг очилиши Совет—Афғон дўстлигининг 70 йиллик юбилейга тўғри келди. Афғонистон республикасининг йирик савдо уюшмаларидан бўлиб ҳисобланган маъмур фирма кўп йиллардан буён Япония, АҚШ, Франция, Ҳиндистон ва барча социалистик давлатлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келади.

Ана шундай дўстлик алоқаларини совет халқи билан ҳам мустаҳкамлаш мақсадида «Барот» фирмаси ўз савдо шаҳобчаларидан бирини Тошкентда очтига қарор қилди. Фирмада савдо қилинадиган товар маҳсулотининг 70 фоизи ҳорижий давлатлардан келтирилган бўлиб, қолган қисми эса афғон корхоналарида ишлаб чиқариладиган. Унинг ўзига хос томони ана шундаки, магазин ўз молларини пул алмашини йўли билан эмас, товар айрибютириш орқали савдо қилади. Яъни маҳсулот етказиб беришчи корхона ўз маҳсулотидан ҳоҳлаган қисмини фирмага ўтказиши. Фирма эса ўз навбатида ўша корхонага истаган маҳсулот билан таъминлайди. Магазиндан ҳозир газмол, пойфазал, атторлик моллари, пальто ва гиламлар сингари 4 миллион долларлик товарлар жойлашган. Йил охиригача яна 14 миллион долларлик маҳсулот савдо қилиш кўда тутилган.

Фирма бошлиғи Муҳаммад Расул Баротдан Советлар дўстлиги савдо маркази қилиб нима учун айнан Тошкент шаҳрини танлагани ҳақида сўрадик:

—Тошкентни Шарқ дарвозаси деб бежиз айтишмайди. Қолаверса, совет—афғон дўстлигининг ривожланиб, тарқийи эти боришида бу қадимий ва гўзал шаҳарнинг ҳам ўз ҳиссаси бор. Маъмур савдо дўнонини ташкил этишда яқиндан қўмақлашган Совет давлати ва ҳукуматига ўзимнинг чексиз миннатдорчилигимни билдираман. Халқлар ўртасидаги бундай дўстлик, ҳамкорлик ришталарини ривожлантира боришни ўзимнинг бурчим деб ҳисоблайман. Бу ана шундай амалий алоқаларни тақомиллаштириш йўлидаги ана бир қадамдир. Тошкентликларга эса ҳаммиса тинч ва осуда, бахтли ҳаёт кечиряшларини тилайман.

Ф. АСҚАРОВА.

СУРАТЛАРДА: «Барот» магазинида.

Т. Каримов фотолари.

Лукма
ИШЛАМАГАНИ
УЧУН... ҲАҚ

Дастлабки кунларда Юнусобод массиви курувчилари қувонч ва фазр туйғуларидан ўзларини қўйишга жой тополмай қолишди. Мега ҳам қувонимасини! Ахир массивда энг баланд қаватли турар жой биносини шулар қуришди-да! Аммо... қувонч узонққа чўзилмади.

Юнусобод массивидаги бу 12 қаватли 55 квартиралар турар жой биноси қурилиш бошланганига оз эмас, кўп эмас, тўрт ой бўлди. Лекин у ҳамон учинчи қаватдан юқорига кўтарилиб ётибди.

Объектда 12-қурилиш трестига қарашли 50-қурилиш бошқармасининг Ш. Шоносиёров етакчилиги қилаётган бригадаси ишламоқда.

В. Урепенни эса катта пробаб этиб тайинлашган. — Ишимиз чатоқ, — дейди у бизга. — Ростини айтсам ҳали бинанинг иккинчи қаватини тўлиқ қўйдан чиқарганимиз йўқ. Сабоби, 1, 6, 8 ва 9-қаватлар заводалари кереклик қурилиш материаллари билан таъминий олмаётганлар.

Тўғри, объектга қарасангиз, йирик девор панеллари қўлаб келтирилган. Ҳозир иккинчи қават учун бетон устулар ва бурчак панеллари жуда зарур.

Ҳолбуки, бригада коллективни хўжалик ҳисоби асосида ишлаштириш. Объектда ўринтилган КБ—403 маркали кўтарма қурувчи ишласа-ишласа 2 минг 654 сўм тўлаш керак. Хўш, бу пул кимнинг ҳисобидан бўлади?

Д. АБДУЛЛАЕВ.

Экономика янгилликлари

О ҚАЙТА ЖИҲОЗЛАШ
ШАРОФАТИ

«Электрорешар» заводида электроник, программачи, рақамли программа билан бошқариладиган дастгоҳлар оператори деган янги касблар пайдо бўлди. Хўжалик ҳисобининг икки йиллик тажрибаси ишлаб топилган маблағлардан янги техникани жорий этиш, корхонани техникавий жиҳатдан қайта жиҳозлашда фойдаланишга имкон берди. Пластмасса ва асбобсозлик цехларини реконструкция қилиш тугалламоқда, механика-қопламачи цехининг лойиҳаси тайёрлаб қўйилди. Беш йил ичда бутун заводни ва унинг Ильяевский филиалини қайта жиҳозлаш ишохисига етказилди.

Янги техникадан, шу жумладан рақамли программа билан бошқариладиган дастлабки утда дастдоҳдан фойдаланиш ишга янгица ёндашувни, шунингдек ишчиларни шонлиқ равишда ўқитиш тақозо этади. Маҳсулотнинг ўзи, асосан, паствольти аппаратурлар ҳам тақомиллаштирилади. «Средств электрорешар» бирлашмаси олимилари ва мутахассислари ишланмалари асосида корхона-винт қириш дастгоҳларини ва кўтарма қурувчи бошқариш жавонлари ўзлаштирилди. Талаб кундан-кунга ортиб бормоқда, турар-жойлар учун электр қурувчи асбоблар, атом электр станциялари учун бошқарув жавонлари ишлаб чиқаришни ўзлаштириш давом этмоқда.

Хўжалик ҳисоби товарлар ишлаб чиқаришни ҳам икки

(ЎзТАГ мухбирлари.)

Шарҳчи сатрлари

Хумайни вафотидан кейин Эрон ўз сиебати йўналишини ўзгартирди, деб умид билдирди. «Шу нарсаси мутлақо равшанки, Хумайнинг ўлими янги давр бошланганини англатади... Мен Эрон яна халқаро ҳамжамиятдаги ўз ўрнини эгаллашдан умидворман», — деди президент.

Шуни таъкидлаш керакки, Эрон раҳбарияти сунгги вақтда Совет—Эрон муносабатларида кўзга чалинган икки йиллик таъкидлаш қўлаб-қувватлади. Техронда бўлиб ўтган матбуот конференциясида Эрон мажлиси раиси Али Акбар Хосейний Рафсанжани бу йўлдаги куч-ғайратлар давом эттирилади, деб таъкидлади. Мажлис раиси Совет Иттифоқида бўлажак ташириф ҳақида гапириб, иккала давлат ўртасида иқтисодий, маданий ва сиесий алоқаларини ривожлантириш таъкидлади. Чунончи, Франция президенти Ф. Миттеран Тунисга яқинда бўлган таширифи чоғида ўтказилган матбуот конференциясида Имом

Георгий КУВАЛДИН,
(ТАСС).ВХР ЭКОНОМИКАСИНING
А Ҳ В О Л И

Б. БУДАПЕШТ. Венгрия экономикаси оғир, танг вазиятга тушиб қолди. ВХР Министрлар советининг Равис М. Немет ВХР давлат кенгашининг бу ерда ўтаётган сессиясида сўзлаган нутқида ана шу ҳақда гапирди. Утган ўн йилликларда, деб давом этди у, хўжалик структурасини ўзгартиришда муваффақиятга эришилмади, мамлакатнинг қарзи анча тўпланиб қолди, унинг Ғавро Иқтисодий Ердам Кенгаши доирасидаги алоқалари экономикани ривожлантириш омилидан унинг тўрмоғига айланган.

Шу йилнинг март ойи охирида, деди М. Немет, мамлакатнинг алмаштирилган валюталардаги процент тўлаётган соф қарзи 14,5 миллиард долларини ташкил этди. Венгриянинг ўз молиявий талабларини салмак 5,8 миллиард долларини ташкил этади. Ана шу маблағнинг деярли ярмини нақд зарар сифатида ҳисобдан чиқариб ташлашга тўғри келса керак.

Ҳукумат давлат бюджетидан юз берган таъминини аҳолини

Мактаблар
қурилиши
«Оқшом»
назоратидаХўжалик
ҳисобида

Ўтилди, аммо...

А. Икромов районининг Зие Саид кўчасида 116-ўрта мактабда қўшимча синфхоналар қурилоқда. Бу ерда бунёдкорлик ишларини 159-трестга қарашли 9-қурилиш бошқармаси коллектив эса сайқаллаш ишларига мутасадди.

Технологик талабларга биноан мактаб биноси курсатилган муддатидан уч ой олдин фойдаланишга тахт қилиб қўйилиши керак. Чунки ўқув жиҳозлари ва кабинетларни мослаш, керакли ўқув қуруллар билан жиҳозлаш каби бир қатор юмушлари янги ўқув йилига қадар ҳал қилиниши лозим.

Хўш, маъмур объектда ахвол қандай?

Бу соволимизга бўёқчилар бригадаси бошлиғи Тўлаған Келдиев ва дурадгорлар етакчиси В. Р. Даҳовлар «яхши эмас» дея жавоб беришди. Объектда материал етишмаслиги одатий ҳолга айланиб қолган.

— Бригаданимизда 11 киши 6 кундан буён бекор ўтирибди, — дейди В. Даҳов. — Гоҳ миҳ, гоҳ бошқа қурилиш материал йўқ. Мана 40 иш кунинда 20 квадрат метр пол қоқибмиз.

— Хўжалик ҳисоби системасида ишлаяпсизлар-ку...

— Ишлаётганимиз билан барибир «Эски ҳаммом — эски тос» бўлапти, — деб сўзлаган қўшмачи бўёқчилар бригадаси етакчиси Т. Келдиев. — Бир ой шу янги системада ишладик. Шунда «Алгоритм» массивидаги турар-жой биносининг бир подвезидаги 16 квартирани 4250 сўмга шартлашиб олиб ишладик. Муддатидан олдин, сифатли қилиб адо этдик. Оқибати яхши бўлмади. Сўнгги шу массивдаги турар-жой биносининг уч қаватини сайқалдан чиқардик. Бу ишнинг ҳам муддатидан олдин адо этдик. Мукофотга эса ҳеч қандай ҳақ тўланмади. Сабоби биз ўз «брак» имизни қайтадан бажарган эмизмиз. Ваҳоланки биз объектда ишламаган эдик.

Одатда бино хоналарига электромонтаж, сантехника жиҳозлари ўрнатиб бўлгандан сўнг бўёқ ишлари олиб борилиши керак. Буни бошқарма бошлиғи С. Барламов ва бош инженер Н. Бобоевлар билишади. Бекор ўтиришлар деб бўйруқ беришадиган қурилиш материаллари билан таъминлаш уларнинг эсларига келмайди. Объектда қурилиш технологияси умулан амал қилинмайди.

Объектда ишчилар вақтларини арзанаган ишлар билан ўтказишяпти. Чунки планлаштириш ишлари мақсадга мувофиқ эмас. Қолаверса маъмурий район халқ таълими бўлими мутасаддилари бинокорлар ҳолидан ҳеч хабар олармикан?

Д. МУРДОВ.

ЯХШИ КАЙФИЯТ

УМРИН УЗАЙТИРАДИ

© НЬО-ЙОРК. ТАСС мухбири

Андрей Шитов хабар беради: Одамнинг вақти чоғ бўлса, дорд енгиледи. Вречлар азалдан беморларга шундай деб келтишади ва буни кундалик турмуш тажрибаси ҳам кўп мартаба тасдиқлаган. Эндикунда бу фикр илмий асосга ҳам эга бўлиб бормоқда. Американинг психологлар ва иммунологлар биргаликда тадқиқотлар ўтказиб, куйдаги хулосага келишди: кишларнинг вақт-вақтидаги ёки ҳафалик уларнинг имун системаси ҳолатига таъсир этишга қодирдир. Жумладан, вақтинчи, ҳаётини севши, оғир ўй-хаёллар ва хотираларга берилиб кетмаслиги учун киши организмга химия системасини мустаҳкамлайди. Ана шундай даво پروвардига нечоғли муҳим бўлишини ҳозирча врачлар билишмайди. Аммо, олганда дастлабки келтирилган шу қадар ишончлик, АҚШнинг бир қанча йирик

илмий медицина марказлари, булар орасида руҳий касалликлар миллий институти ҳамда Жон ва Кэтрин Макертур номидиган фонд ҳам бор, ҳозирнинг ўзидаёқ психонммунология соҳасидаги тадқиқотларини давом эттириш учун маблаг ажратдилар. Питтсбург ва Йель университетлари психологлари Питтсбургдаги рақ касалликлари институтини билан биргаликда ўтказган экспериментнинг натижалари ана шундай дастлабки натижалардандир. Чунончи, дорд эндикига бошланган кезде руҳий терапия усулида икки ой даволаган рақ касалига чалинган 30 бемор аҳолини олиб қўрайлик. Киши азойи баданини ёмон ишши ўсмадан асраши лозим бўлган имун системаси ҳужайралари ана шу беморларда анъанавий усулда даволаган кишиларга нисбатан анча фолроқ бўлиб чиқди.

Эрондаги ҳозирги аҳвол

Эрон—Ислон республикасининг раҳбари Имом Рухулло Хумайни Техронда 83 ёшида вафот этди. У 1979 йил февраль ойида шохга қарши ниқилобга бошчилиқ қилган эди, шу ниқилоб туфайли паҳлавий сулоласи мағлуб бўлди. Шундан кейин 10 йилдан кўпроқ муддат ичда ҳам диний, ҳам амалий ҳокимият соҳиби бўлган Хумайни мамлакат олдида пайдо бўлаётган барча муаммоларни ҳал этишда мутлақ обрў нуфузга эга бўлган.

Мамлакат президенти бўлган Оятулло Саид али Хамеен Эрон Ислон республикасининг янги раҳбари бўлди. Унинг номзодини Эрон парламенти (мажлис) ва олий руҳонийлар қўлаб-қувватлашди. Сиесий шарҳловчиларнинг фикрича, муқаддас сиесий ариб бўлган Хамеенининг сайланиши кўп жиҳатдан турли гуруҳ диндорларни яраштирадиган му-

росали қарор бўлди. Оятулло Хамеен тақрибани сиесий арибдор. Шоҳ ҳокимияти даврида у бир неча бор репрессияга учраган эди. 1979 йил ниқилобдан кейин қаранча маъсулиятли лавозимларни жумладан, ҳарбий соҳада маъсулиятли лавозимларни эгаллади. «Ислон ниқилоби посылблари» қорусини тузиш ташаббускорларидан бўлди. Икки муддат президент бўлди ва Иккинчи қувида мувофиқ, шу йилнинг кузида ана шу лавозимни тарз этиш керак эди. Айни вақтда Хамеен мамлакатнинг иқтисомий-сиесий ҳаётида катта ўрн эгаллаётган Техрондаги жузма номдарида асосий ваъхонлардан бири эди. Худди ана шу номоз кезларида у Эроннинг ички ва ташқи сиесий-иқтисомий аҳоли йўналишларини тўғрисида бир неча бор гапирди.

Эрон Ислон республикасининг янги раҳбари Хумайни-

ни дафн этиш маросимида сўзга чиқиб, бундай деди: «Эрон имом йўлига содиқдир ва биз бу йўлдан қатъийат билан ярашмоқда бўлиб бораверамиз. У жумладан марҳум имомнинг «на Шарқ ва на Ғарб» йўлини изчилик билан ўтказишни таъкидлади, ҳамда «жабрланган муслимон халқлари» жумладан Фаластин халқини қўлаб-қувватлашни ўқитди.

Айни вақтда Ғарбнинг ахборот агентликлари ва сиесат арибдорлари Имом Хумайни вафотидан кейин Эронда албатта ўзгаришлар бўлади, деган фикрни айтимоқдалар. Асосан, Ироқ билан бўлган саник йиллик уруш оқибатида йқтисодий муаммоларни ҳал этиш зарурлиги ҳамда сиесий тусдаги сабаблар ўзгаришлар бўлишини тақозо қилимоқда. Чунончи, Франция президенти Ф. Миттеран Тунисга яқинда бўлган таширифи чоғида ўтказилган матбуот конференциясида Имом



Жасоратнома

«ҚАЕРДАСАН, ТОШКЕНТЛИК ҚУРОЛДОШИМ?»

1943 йил, май ойида 6-гвардиячи ўқчи дивизияси «Курск ёни»нинг Понири районида мудофаа маррасини эгаллади. Мен 4-гвардиячи ўқчи полк, 3-батальоннинг танка қарши ҳужум қилувчи ротасида оддий солдат эдим. Ротамиз темир йўл станцияси ёнида кеча-кундуз мудофаа иншоотлари қуради.

5 июль тонгида қаттиқ артиллерия отишмаларидан ҳамма оёққа турди. Немис-фашист газандалари «Курск ёни» бўйлаб ҳужум бошлаган эди. Шиддатли ҳаво жанглири ёлди. Учувчиларимиз душманинг 17 та самолётини уриб туширишди. Кейин билсам, шу жангдан уш март Совет Иттифоқи Қарамоми, учувчи Покиркини қатнашган экан. Шу куни батальон командири

гвардия капитани Окс ва полк комсомол ташкилотчиси лейтенант Вабичлар кели, шайор отирилди, ҳайат-мамот жанглирига тайёр турганимиз зарурлигини таъкидлашди.

Орадан икки кун ўтгач кучли туқнашувлардан кейин тиш-тирноғига қурулган фашистлар куплаб танк ва бронемашиналар лангоҳида мудофаа чизигини ёриб ўтишга муваффақ бўлишди. Шундан сўнг Курск остоналаридаги жанглар 50 кун давом этди...

Понири атрофида кўрсатган ҳақрамолиги учун 6-гвардиячи ўқчи дивизия СССР Олий Совети Президиумининг Фармонида кўра Кизил Байроқ ордени билан тақдирланди. Шунингдек, 1-даражали Ватан уруши ордени билан мукофотланганлар



орасида мен ҳам бор эдим.

Биз, Ленин, Кизил Байроқ ва Суворов орденли 6-гвардиячи ўқчи дивизия ветеранлари ҳар йили Москва шаҳрида учрашиб турамыз. Утган йили катта фельдшер Ҳасим Камолов билан танишиб қолдим. У 10-гвардиячи ўқчи полкда бирга бўлган, тошкентлик қурулдоши Солих Содиқовнинг ўғли эканлигини айтиди. Полкнинг катта вакили капитан Файзиев фронтда юзлаб яраланган жангчиларни ўлимдан сақлаб қолган ақойиб инсон эди. Унинг урушдан кейинги тақдирини

эса номаълум. — Агар тошкентликлар қурулдош дўстимнинг ўзи эканлигини ҳақиқатдан бирор маълумот топишда ёрдам берсалар яхши бўларди, — деди Ҳ. Камолов. — Менда 1945 йил март-апрель ойларида Германияда олинган сураги ҳам бор.

Қунонқалки билан айтилаётган бу сўзлар эвожа жанг хотираларини ёдига солиди. М. АБДУЛЛАЕВ, Оржоникидзе райони СУРАТДА: Солих Файзиев (чапдан учинчи) 10-ўқчи гвардиячи полкнинг бир гуруҳ жангчилари билан.

Ишчи касбини улуғлаб

Солих Содиқовнинг номи-ни шаҳримиздаги гушт-сут ишлаб чиқариш комбинатида ҳурмат билан тилга олишди. «Дархаст бир ерда кўнаради» дейди доно халқимиз. Бу гапга амал қилган Солих ана салкам 30 йилдан буён слесарь-монтажчи сифатида баранали меҳнат қилиб келпти. Шу йиллар мобайнида, у улаб шогирдлар тайёрлади, уларни ўзи севган касбга ўргатди. Пешқадам ишчи 1971 йилдан буён ИКСС аъзоси. У касбага соҳа ҳаётида ҳам антия иштирок этганда. Жамоатчи ишчи инсон омилига эътиборини оширишга, ишчи ва хизматчилар учун зарур шарт-шароитларни яратишга ўзининг ҳиссасини қўшиб келпти.

Солих ана ўзи истинотик қилган маҳаллада ҳам катта ҳурмат-эътиборга эга. У маҳалла комитети раисининг ўринбосари. Тўй, маросимлар ва бошқа тантаналар, турли хил кечалар, оиладаги қўйди-чиндиларни бартараф қилиш ҳам С. Содиқовнинг масалатисиз бўлмайди. Унинг ташаббуси билан яқинда маҳалла чойхонаси атрофидаги ярим гектар ер тозаланди, болалар учун спорт майдончаси ташкил қилинди, чойхона атрофига гул ва дархат кўчатлари ўтказилди. Эндиликда бу ер катта-кичинининг севишли маскани бўлиб қолди.

Меҳнат қилган элда азиз, деганларидек, С. Содиқовнинг кулға киритилган ютуқлари ва жамоат ишларида кўрсатилган иштирокини тартиб ва ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. У II даражали Меҳнат Шухрати ордени ва бир қанча фахрий ёрлиқлар олишга сазовор бўлган. Солих ана ҳамма ҳавас билан қилади. Чунки у ҳалол меҳнат аъзага ана шундай обрў-эътиборга сазовор бўлди. Биз бундай фидойи кишилар билан фахрлансан бўлади.

Н. ШИМУРДОВА.

А. АЛИЕВ.



Турли касб эгалари ўзаро беллашганда, аввало улар ўз соҳаларини қай даражада билишларини энг биринчи саволлардан бири бўлиб туради. Бу аниқсиз медицина ходимлари ўртасидаги ўтадиган конкурслар шартларида ўз аксини топади.

«Ўзбекистон» ишлаб чиқариш Бирлашмасининг медицина санитария бўлимида ҳам худди шундай конкурс бўлиб ўтди. Унда 8 киши қатнашиб, ўз соҳаларини қай

тарзда билишларини намойиш этишди. Конкурс қатнашчиларига назарий билим, беморларга биринчи медицина ёрдами, шу билан бирга ўз хўжаликлари бўйича топшириқлар берилди.

Конкурсда кардиология бўлими ҳамшираси Динфуза Омонова гўлиба деб топилди (ўнгдан сўра). © СУРАТЛАРДА: конкурсдан лавҳалар. Р. Шарипов фотолари.

Акс садо

«Муаллим мавқеи»

«Тошкент оқшоми»,
1989 йил 15 апрель

© Ҳозир мактабларда иш қизғин: синф раҳбарлари синфларини ремонт қилишарди, биров ўзи, биров ота-оналар ёрдамида. Пулни болалардан йиғмаси эканлигининг ёндан... Бўёқларни эгланган дўкондан, эпполмаган бир амаллаб топади. Шунинг учун синфлар ранго-ранг. Ким нимани топса шу билан бўйяди... Мактабимиз бир қаватли, эски, қишда кўйир-ўтин ёқимиз, совуқ бўлади. Шунга ҳам шукор деймиз, ёхир республикамизда мингдан ортқ авария ҳолатидаги мактаб борлигини билиб, ёқимни ушладим.

Ш. РИЗАЕВА.

Калинин районидagi 25-мактаб муаллими.

© Дарҳақиқат, ўқитувчиларимизнинг билимлари, аксарият ҳолда савб. Бунинг сабаби кўп: қишлоқда шайор яхши эмас, ўқув қўлланмалари етишмайди; муаллимларимиз ҳам ўз устларига кам ишлашди, аттестация номинатига ўтказилмади.

Муаллим ва болаларимиз учун ўзбек тилида китоблар, синфдан ташқари адабиёт йўқ даражада. «Ўқитувчи» нашрият турли бадиий китобларга қозғ топади, мактаб учун қўшимча адабиётга, ўқитувчилар учун ўзбек тилида физика, химия, математикадан журнал чиқаришга қозғ тополмайди... Жумал ҳақида кўп айтилди, аммо муаммо ҳамон ечиммай, арсадила турибди. Маъбуот мактаб муаммоларига кенг жамоатчилик фикрини жалб қилса, яхши бўларди.

Ҳ. МУХИТДИНОВА.

Бухоро шаҳридаги 18-мактаб муаллими.

© Бёзиде бу соҳага тасодифан кириб қолганлар ҳам учраб туради. Улар диплом бекор ётмаслиги учунгина ишлайдилар, ҳоғос. Улардаги лоқайдлик, кўп нарсаларни билмаслик ҳусу-сияти болаларга ўтади. Бу ёш авлодининг келажакда билимининг оширишда, шарафли касбларни эгаллашга интилишини шунчалки сусайтириб юборадик, «Ҳамма билимдон бўлса, подани ким боқадик» қабилдаги фикрлар туғилиб, ҳаёт мазмунини фақатгина пул топиш, яхши яшаш билан боғлаш даражасига бориб етдилар. Маълумки, фақатгина билимни бўлиш, интилиш инсониятнинг тараққиётида ва равнақида катта омил бўлган. Бунда муаллимлар «иборат кўрсатганлар».

Ҳозирги пайтда истеъдодли, билимдон муаллимлар жуда кўп. Ҳаётимизнинг фаровонлигини оширишда уларнинг роли жуда катта. Шунинг учун ҳам уларга ҳамма шайорларнинг яратиб бериш керак. Ҳам маънавий, ҳам моддий томондан. Муаллимга бўлган муносабат, фарзандларимизга, келажакка бўлган муносабатдир. Зеро ўз фарзандларимизни қандай инсонлар бўлиб етишиши аввалоамбор уларга боғлиқ.

Р. РАХИМОВ.

САНИИРИ катта илмий ҳодими, қишлоқ хўжалик филиали раҳбариди.

© Ҳеқикатан ҳам бугунги ўқитувчи қозғатма кўнмб ташланган. У ўзининг асосий вазифаси — ишчини қўйиб, кўнмча ор-тиқча қозғозилик билан шуғулланиши, керасик ҳужжатларни тўлдириб вақтини сарфлайди. Мисол учун биргина синф раҳбарининг 10 дан ортқ дафтери бор. Ўқитувчи уларни ҳар кун, ҳар ойда кўнмб бориши керак. Кўнмб қолса экан бирон кун ёзувсиз тўлдирилмай қолинса, раҳбарлардан дашном эшитилади. Ҳеч ким сўрамайдик дурс ўтшинг қандай, ўқувчиларинг сенинг билимининг қандай қабул қилаяпти экан сенига қандай ёрдам керак? Хатто РаёНОДдан келган комиссия аъзолари, методистлар ҳам аввало синф папкасини сўрайди экан тарбиявий соатлар мавзуси билан эмас, улр ҳақидаги ҳужжатлар билан қизқидилар. Натигада ўқитувчининг асосий ишдан қўнгли соий бошлайди. Хотиражамликка берилади. Демак, унинг фикрича қозғозларни вақтида қоралаб берса бас, қолган ҳаммаси жойида бўлади, деган тушунча пайдо бўлади.

Шу ўринда кези келганда яна бир нарсга ҳақида тўхталмоқчиман. Очиги бизда бир ярамас одат бор. Кеска ўқитувчиларимиз пенсияга чиқиб олдида уларга унвон берамиз ё раҳматнома ўхшаган ёрлиқлар. Ўқитувчилик фаолияти билан хайлашаватган кишига у куч бағишлайдими? Негиз биз уни тақдирлашни илгарроқ ўйламаймиз!

Яна бир масала ҳусусида фикримни айтмоқчи эдим. Ўқитувчиларнинг маданий-маъий ҳордиқ чиқариш масаласи, аниқсиз, қишлоқ мактабларида йилдан-йилга ночор бўлиб бормоқда.

Бу каби майда кўнмча, лекин муҳим муаммолар маориф соҳасида ҳал этилмас экан, ўқитувчи мавқеи ҳамон қадарланмай қоларедди, унинг ўз меҳнатида бўлган қизикчи сўнаверадди. Тарбияси оғир, билими савб ўқувчилар ҳам кўнмбаведди.

А. САРИМСОҚОВ.

Сирдарё область, Форш районидagi 66-ўрта мактабнинг физика муаллими.

«Тошкент оқшоми»га жавоб берадилар

«Электр кўз қисади»

«Тошкент оқшоми» газетасининг 1989 йил 5 апрель сониди юқоридagi сарлавҳа остида материал эълон қилиниб, Самарқанд дарвоза кўчасида электр чироқларининг тез-тез ўчиб, аҳолининг ҳақли норозилигига сабаб бўлаётганини таъкид қилинган эди. Газетанинг ана шу таъкид қилиш юзасидан «Ўзбекэнерго» ишлаб чиқариш бирлашмаси Тошкент кабел тармоқлари директори С. Н. Засеевдан жавоб хати олинди.

«Электр кўз қисади» маюласи Тошкент кабел электр тармоқлари коллектив ўртасида муҳоама қилин-

электр энергияси билан таъминловчи 558-трансформатор подстанциясида ремонт ишлари амалга оширилган эди. Шу сабабли юқоридagi қайд этилган кўчаларда электр чироқларини тез-тез ўчириб туришга тўғри келди. Бу эса аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўлди.

Айни пайтда Октябрь рай-он электр тармоқлари стан-цияси ходимлари томонидан подстанцияда авария-қайта тиклаш ишлари тугалланди. Электр таъминоти тўғри йў-га қўйилди. Шикоятлар йўқ.

«Танқис сўт»

«Тошкент оқшоми» газетасининг 1989 йил 5 апрель сониди юқоридagi сарлавҳа остида мақола эълон қилиниб, «унда шаҳар магазинларида консерваланган сутнинг йўқлиги қаттиқ таъкид қилинган эди. Ана шу мақола юза-сидан Тошкент шаҳар савдо Бosh бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ю. М. Миронан имзоси билан жавоб хати олин-ди. Унда шундай дейилади:

«Танқис сўт» мақоласи юзасидан шунга маълум қи-лаимизки, консерваланган сутлар белгиланган фонд бў-

Ватан уруши қатнашчилари ва инваллиларнинг таъмин-лаш учун жўбатилди. Қол-дан қисми билан эса савдо қорхоналарида бириктириб қўйилган барча меҳнат кол-лективларини таъминлашга ҳаракат қилинади. Ҳақиқатан унинг таъминлиги учун оқш савдога чиқариш имко-нияти йўқ. Яна шунга маъл-ум қиламизки, савоат учун қайта ишлашга мўлжаллан-ган катта ҳажмдаги қадон-ланган консерваланган сут-лар савдо тармоқларига чи-қарилмади.

ЧЕКИШ ТАҚИҚЛАНАДИ

Туркия буюк миллат маж-лиси (парламенти)нинг қонун чиқарувчи комиссияси сигаре-таларни реклама қилишни та-қиқлаш тўғрисидаги қонун ло-йиҳасини маъқуллади. Бу ҳуж-жатда жамоат муассасаларида ана шу мақсадлар учун ажра-тилмаган жойларда чеккан ки-шиларга жуда катта жарима солиш назарда тутилди. Ра-дио ва телевидениега ўз про-граммаларида тамакиннинг ки-ши, аниқсиз болалар ва хотин-қизлар организмига зарарли таъсирини тушутириш учун кўпроқ вақт ажратиб таъкиф қилинади.

Сигарета чекиш — турк эр-качи учун одат, деб ҳисобла-наган эди. Бироқ, эркаклар «ёвуз тамакин»га тобора кўп-райд бoш тортаётган ҳозирги пайтда чекиш аҳолининг қол-масида моддага хайлиб қол-масида: Туркия республикаси «заифларни» бир қисмининг фикрига қараганда, ҳозирги жамиятда ёндирилган сигаре-та қўлида тутиб турмаган озад аёлини тасаввур этиш қийин.

Парламент муҳоамасига тақдим этилган қонун лоийҳа-си мамлакатда чекишга қарши кураш юзасидан аллақачон бошланган ҳаракатнинг даво-мида. Тамаки махсулотлари нархини ошириш шу йўлдаги дастлабки қадамларнинг бири бўлган эди. Бироқ бундай тад-бир етарли самара бермади.

АҚШ — ДУНЕДА ТЕЛЕФОНИ ЭНГ Кўп МАМЛАКАТ

Дунёда 1989 йилда телефон апаратлари энг кўп бўлган мамлакат Қўшма Штатлар эканлиги аниқланди. Ҳозир у ерда 118,4 миллионга телефон апар-лати ўрнатилган, 49,9 мил-лионга телефон апаратига эга бўлган Япония иккинчи ўринда бормоқда. Ана шундай алоқа воситаси 26,7 миллион-га етган Совет Иттифоқи жа-ҳонда бу соҳада учинчи ўрин-ни эгаллайди.

Американинг «Америкен те-лефон энд телеграф» корпо-рацияси ҳар йили тузадиган ва яқиндагина нашрдан чиққан «Уорлд телефон» справочни-гида ана шу ҳисоб-китоблар эълон қилинган.

Жаҳон шаҳарлари ичида То-кио энг юқори кўрсаткичга э-га, 5,3 миллионга телефон апа-ратига эга. Париж (5,2 мил-лионга) ва Нью-Йорк (4,5 мил-лионга) рўйхатининг шундан ке-йинги ўринларидега туради.

Америка Қўшма Штатлари-га, жумладан 25 мамлакатларга, жумладан Аргентина, Австра-лия, Бразилия, Канада, Ку-ба, Исландия, Исроил, Либерия, Панама ва Фи-липпин каби давлатлардан тез-тез кўнгириқ қилиб тури-шадди. Америка Қўшма Штат-ларидан эса Канада, Мексика, Буюк Британия, Ғарбий Гер-мания, Япония, Франция, Ита-лия, Жанубий Корея, Тайван ва Доминикана Республикаси-га кўпроқ сим қоқишди.

Совет Иттифоқида келганда эса СССРдан Европанинг соци-алистик мамлакатларига, шунинг-дек Финляндия, Италия ва ГДРга энг кўп телефон қили-нади. Юқорида номлари ай-тилган мамлакатлар, шу жум-ладан Монғолия ҳам СССР би-лан Халқаро телефон алоқаси ўрнатган.

«Уорлд телефон» справоч-ниги 1912 йилдан бери нашр этилмоқда.

АССОНАВИЙ ШАҲАР ТОПЛИДИ

Ҳиндистон билан Хитой ўр-тасидаги савдо йўлида жой-лашган кўнча Прагайотипур шаҳри ҳақида афсоналар юр-ди. Ҳиндистон олиқларининг сўнгги қашқабдилари бу шаҳар-нинг топилалигига умид пай-до қилмоқда. Шимоли-шарқий Ассом штатининг ҳозирги пай-тахти — Гувахати марказининг қоқ ўзида 2 метрдан ортқроқ чуқурликда қазилма ишлари олиб борилади. Бу ишлар 60-йилларнинг охирида бош-ланган эди. Қазилма ишлари раҳбари профессор Т. Шар-минан хабар қилишича, топила-лар орасида эрамининг би-ринчи-иккинчи асрларидеги қадимий буюмлар бор.

ДУНЕДАГИ ЭНГ КАТТА ТОВА

Диаметри 5 метр бўлган ул-кан икки тонали това дунёда энг каттадир. Бу това Япония Сайтема префектурасидаги Ка-ваго шаҳрининг испан това-лари ресторани қирависир жойига қўри бағишлаб туриб-ди, деб таъкидлайди «Дейли юиоуири» газетаси. Ресторан эгасига товани тайёрлаш 8 миллион иенга тушди. Буюрт-мани бажариш осон эмас. эди. Бундай катта ошхона эн-жомда имидий тайёрлашга ҳаракат қилган ҳаёлати одамнинг интиғни қўлгина фирмалар жиддий қабул қилишмади.

Шунга қарамай улкан това реклама мақсади учунгина эмас, ундан хатто таом тайёр-лашда ҳам фойдаланилмоқда. Ресторан хўжайини Рэйзодо Му-рата (унинг ўзи бош ошпаз ҳамдир) товада гуруч, савба-вот ва гўштдан тайёрланган испан таоми пазилани бу не-ча марта пиширди. Ҳар сафар Каваго аҳолисини унинг ош-пазлик санъати қойил қолди-рар эди, бунинг боиси фақат това катта бўлганлигидега эмас, балки у тайёрлаган таом шу ердаги хўрандаларга жуда ёққан эди.

Мурата улкан товага сарф-ланган маблағни яқин икки-уч йил ичида чиқариб олишга умид боғловмоқда. 1992 йил-да Барселонда ўтказилган 63-ги Олимпиада ўйинлари ара-фасида японияликларнинг ис-лан товларига ҳақиқатин ача-ошиб кетади, деб ўйламоқда.

[ТАСС.]

Сўраган эдингиз...

Ия, наҳотки?!

НОГИРОН БОЛАЛАРГА ИМТИЁЗЛАР

Меннинг ўғлим болаликдан инвалид ҳисобланади. Ҳозир бун-дайларга нисбатан нафана тўлаш кўпайтирилган деб эшит-дим. Лекин ўғлим 4—5 йил бурун оладиган нафана ўзгарма-ди. Шу ҳақда маълумот берсангиз.

В. ВОРИЕВ,

меҳнат ветерани.

— Болаликдан инвалид бўл-ганларнинг яшаш шароитидаги ин-нада яхшилаш борасида ИКСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПС томонидан 1986 йил 27 мартда 400-сонли қарор қабул қилин-ган. Ушбу қарорда уларнинг моддий шароитларини, меди-цина хизматини, жисмоний со-ломлаштириш, тарбия, омма-вий-спорт ишларини яхшилаш-га қаратилган чора-тадбирлар белгиланган.

Жумладан, 1987 йил 1 январ-дан бошлаб 16 ёшгача бўлган, ёшилдан инвалид бўлганлар-га нафана тўлаш I гуруппа ин-валидларига — 30 сўмдан 50 сўмгача, II гуруппа инвалидлар-га 25 сўмдан 40 сўмгача, 16 ёшгача болаликдан инвалид бўлганларга 20 сўмдан 30 сўм-гача кўпайтирилди.

16 ёшгача болаликдан инва-лид бўлганларга дори-дармон-лар врачларнинг рецептлари билан бепул берилади. I ва II гуруппа нафана олаётган ин-валидлар учун аса врачлар ре-цептларида буюмлар сотиб оли-наётган дори-дармонларнинг нархи 50 процентга қамайти-рилган.

Болаликдан инвалид бўлган-лар учун транспортдан фойда-ланишда ҳам имтиёзлар бел-

II гуруппа инвалидларига у ёни бу ўқув юртининг стипендия фонди учун белгиланган сти-пендия берилади.

Инвалид болалар учун мах-сус соғломлаштириш муассе-салари ташкил этили, шунинг-дек жисмоний соғломлашти-ришга қаратилган спорт гру-ппалари, секциялар, клублар барпо этиш тадбирлари бел-гиланган. Болаликдан инвалид-лар учун протез-ортопедик махсулотларнинг турини ке-нгайтириш, сифатини, препа-ратларнинг функционал мо-ҳиятини ошириш чоралари бел-гиланган.

Медицина, педагогик ишлар-ни бошқарувчи, ишлаб чиқ-аришдаги ўқув методлари ва бошқа ёшилдан инвалид бола-лар ва ўспиринлар учун мўл-жалланган қишлоқ жойлари ва шаҳар типидagi посёлалар-да (ишчи посёлалар) жойлаш-ган муассасаларда ишловчи хо-димлар ва улар билан бирга яшаштаган оила аъзолари шу ерда қўлланадиган тегишли нормалар бўйича истифодадан ва еритиладиган бепул квар-тиралар билан таъминланади-лар.

Кўрсатилган ходимлар ва уларнинг оила аъзолари учун (агар уларнинг болалар муассе-саларидаги умумий иш ста-жлари 10 йилдан кам бўлса) ту-рар жой имтиёзлари пенсияга чиққанларига сақланади.

А. ҲАСАНОВ,
хукумушнос.

Ноинсоф

ижарачилир

Агар Тошкент аэропортига ёни темир йўл вокзалига ишнингиз тушиб бориб қолсан-гиз, ҳайбатидан от хурайдиган йўлбар билангизданга тутиб «ўз хизматини таъкиф қила-ди» — «Хўш, оёқ, қарға олиб бориб қўйсиз».

Агар оғзингиздан Чилонзор-га ёни Юнусовдига деган сўз чиқса бори, жавобини насия қилиб, қўздан қўйиб бўлад. Билинми «ишарга» олинган «шахсий пудрат» деб ёзилган бу маъинларнинг эгалари шу йўсунда иш юритишарди. Таъки машинаси бўш туриб-ди, хизмат ханини бермадан кейин, нима учун яқин қолиб, узоқни қўзлашарди?

«Хўш ана, Зоминга борасиз-ларми? Неча кишисизлар? Ҳа, энди от билан туя бўлармиди? 120 сўм берасизлар-да!».

Бундай савол-жавобларни ис-таганча эшитишингиз мум-кин. 120 сўмга оддий ишчи бир ой ишлайди. У бўлса бор-йўғи 5 савдо бор-шудини иш-либ олмоқчи бўлади.

Хўш, бундай ижарачили-рини ким назорат қилади? Улар-га нима бундай хуқуқини берди? Ижара дегани бу шахсий та-қис дегани эмасми? Бундай ижаранинг кимга кераги бор?

Н. РАХИМОВ.

4 5 6 7 8 9 10